

Адабиётимизда хозиргача тилга олинмаган ўзбек ва тожик тилларида ижод этган истеъдодли мумтоз шоир. Неъматбадал Портав (Портавий) асли ўратепалик бўлиб, Самаркандда ҳам яшаган. Қандайдир сабаб билан Наманганга келиб қолган. У тугма кўр ва паралич бўлган. Ҳеч қандай мактаб ва мадрасада ўқимаган. Аллоҳ унга тугма истеъдод ато этган. Қуръони қаримни ёд олган. Шоирнинг уй-жойи, бола-чақаси бўлмаган. Октябр тўнтаришидан аввал Наманганнинг давлатманд кишилари, шеърят мухлислари Портавни моддий таъминлаб туришган ва шеърларини ёзиб олишган. Инқилобдан сўнг, шоир моддий аҳволи ёмонлашиб, тиламчилик билан қун кечирган. Шеърят ихлосманди марҳум Усмон Қори ака Тошмирзаевнинг айтишича, Портав шеърни тўхтамай айтар, ёзиб олувчилар чарчаб қолар, у эса давом этар экан. Шоир ихлосмандларидан бири келиб, «Портав домла, Файзулла Хўжаевга атаб бир шеър ёзинг, мен уни шаҳар фирка кўмитаси биринчи қотиби Эрматовга етказаман, у сизга ёрдам беради», деган. Портав шу захоти ёзинг деган, мухлис шеърни ёзиб олиб, Эрматовга етказган. Шеър Ф. Хўжаевга етган, етмагани номаълум, лекин Эрматов шоирга жой тайин этиб, анча мурувват кўрсатган. Хатто извошида олиб ҳам юрган. Қўп ўтмай Ф. Хўжаев халқ душмани тамғаси билан отиб ташланган. Портав шеърдан хабардор қандайдир исковуч ДСБ (ГПУ)га маълумот берган ва шоирни тиламчилик қилиб ўтирган жойидан олиб кетиб, отиб ташланган.

Қандай ёвузлик! Дунёни кўришдан маҳрум бирон жойга бора олмайдиган, Аллоҳнинг энг бахтсиз, юпун бир ногирон бандаси халқ душмани бўлса-я! 30 йил давомида Портав ҳақида маълумот қидирдим. Унинг шеърларини ёзиб олганлар ўтиб кетишган. Ягона ҳаёт қолгани Усмон Қори ақадир. У билан суҳбатлашдим: «Домла, Портав қамалгандан кейин, кўрқиб, ҳамма ёзиб олган шеърларини қуйдириб юборганман». Портав қамондоши ва у билан яқин муносабатда бўлган Мулла Йўдқош Хилватий девонини нашрга тайёрлаш давомида Хилватийнинг дўсти қози Муҳаммад Орифхон маҳдум тузган баёзнинг 20а — 33а варақларида Портавнинг Орифхон маҳдум ўғли Абдулборий вафотида ёзилган ўзбекча марсияси (68 банд) ва тожикча марсияси (13 банд) берилган. Портавнинг номи Неъматбадал эканини ҳам марсиялардан аниқладим. Ўзбекча марсия 25 — жумод ус-соний 1350 (8 ноябрь 1931) йили, тожикча марсия 25 шаъбон 1350 (5 январ 1932) йили ёзилган. Хар икки марсиядаги шеърлар 457 мисрадан иборат. Тўрақўргон туманида бир аёлда сақланаётган қўлёзмада Портавнинг Муҳаммад Орифхон таржимаи ҳолига бағишланган 63 бандлик муҳаммаси берилган. Охири шундай тугайди:

Ҳам ул қози Муҳаммад орифи қомилга бу ашъор,
Дедим уро, қима ўлди баоби равақи ашъор,
Тўқулди мабдаи Файёздин файзи Хайи Гаффор,
Мани қўнғлимга беҳад айлади қим бунчалик гуфтор,
Билинг, оғох бўлинглар Портавий шоир суҳандонман.

Яна шу тўпламда Портавнинг юқорида эслатганимиз қўлёзмага қиритилган хар банди 9 мисралик қози Муҳаммад Ориф маҳдумнинг ўғли Муҳаммад Абдулборий, набираси Уммун Нисо, сўнгра Насимахон Жўрахон қизи вафоти муносабати билан ёзилган марсияси берилган (156—236 варақлар). Унга ёзилган сўзбоши охирида шундай дейилган: «Ўратепалик қори Неъматбадал, шоири ба таҳалуси Портав ушбу марсияси муҳаммасни

назмга келтирди». Юкоридагилар вафотига тожик тилида ёзилган хар бир банди 9 мисралик 19 байтдан иборат марсия ҳам берилган. Сўнг Муҳаммад Абдулбоки ўгли Умид вафотига бағишлаган 22 байт марсия ҳам Партав каламига мансуб (32б — 33б). Яна шу кўлёзмада шоирнинг Муҳаммад Орифнинг келини Назираҳон, жияни, укаси Толиб маҳдумнинг ўгли Турсунали ва Зокираҳонлар вафоти муносабати билан ёзилган хар банди 8 мисралик 38 банддан иборат марсияси ҳам киритилган (51б — 54^о варақлар). Марсияларнинг охирида марҳумлар вафоти тарихи, абжад ҳисобида хижрий сана билан бериб кетилган ва Партав таҳаллуси қўйилган. Партав каламига мансуб биз аниқлаган марсиялар, юкорида эслатганимиз таржимаи ҳол касидаси билан бирга 1248 мисрадан иборат. Улар бадийи пишиқ, ўзбек мумтоз адабиёти услубида арузда ёзилган. Уларда кўплаб диний иборалар, Куръон ва ҳадислардан иқтибослар учрайди. Марсиялардан XX асрнинг биринчи ярми Наманган адабий муҳити ва тарихий ҳаётига оид, ўша давр илм ва маърифат намоёндалари, айрим тарихий шахслар, зиёлилар ва мансабдорлар ҳақида муҳим маълумотлар топиш мумкин. XX аср биринчи ярми ўзбек мумтоз адабиётида марсиянависликда Партав энг юкори чўқкида бўлган. Партав ҳақида илк бор «Ўзбекистан адабиёти ва санъати» газетасида «Партав — катагон қурбони» мақоламизни эълон қилдик (2003 йил 26 сентябрь).

Ҳожи Исматуллоҳ Абдуллоҳ